ЭҲТИРОМ

Дил изҳори

Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов!

Мустақил давлатимизни бошқаришдек масъулиятли ишингизга омадлар тилаган ҳолда ушбу мактубни битишга ахд қилдим.

Менким, гўзал Фарғонанинг Олтиариқ туманида истиқомат қилувчи 7 нафар фарзанднинг отаси, 21 нафар набиранинг бобосиман. 1933 йил таваллуд топганман, касбим косиб, нафақахўрман.

Ушбу хатни ёзишимга сабаб бўлган нарса, бу менинг Сиз билан тушимда бир эмас, 3 маротаба учрашганимдир.

Биринчи туш: Сиз билан тиниқ бир кўл олдида учрашдим. Ана шу ерда катта бир клуб бор эмиш, Сиз мана шу клуб ичида мажлис ўтказдингиз. Мен Сизнинг олдингизга кириб кўл бериб сўрашдим ва қайтиб кўл бўйига чиқдим. Сиз ҳам клубдан чиқиб, кўлдаги тиниқ сувга термулиб турдингиз. Мен бўлсам сувга тўғаноқ бўлган тошларни олиб, сувнинг йўлини очиб ташладим. Уйғонсам тушим экан.

Иккинчи туш: Катта асфальт йўлга бир қучоқ пахта тўкилиб қолган экан, мана шу тўкилган пахтани қучоқлаб олиб кетаётсам йўлимдан Сиз чиқиб қолдингиз, шошиб кўл бериб сўрашдим. Шунда Сиз менга бир калит бердингиз. Мен буни нима қиламан, десам «Хазина, хазина» деб айтдингиз. Уйғонсам, яна тушим экан. Ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдим.

Учинчи туш: Фарғона водийсига келган эмишсиз, кўплаб одамлар орасида сўзлаяпсиз. Мен мана шу одамлар орасидан ўтиб Сиз билан яна сўрашдим.

Балким, кўрган тушларимни ёзиш шарт эмасмиди, лекин Сизнинг хислатли инсон эканлигингиз менга аён бўлди.

1997-98 йилларда Сиз билан тушда 3 маротаба учрашган бўлсам, ўнгда бу йил мен учун омадли, файзли, баракали йил бўлди. Чунки бу йилда икки набирамга суннат тўйи қилдим. Оллоҳга шукрки, кам бўлганим йўқ.

Сизни эса тиниқ кўл бўйида кўришлик қалбингизнинг поклиги, олиб бораётган ишларингизнинг зилол сувдек тиниқлигидадир.

Мен асли сиёсатчи бўлмасам-да, Сизнинг телевидение ва радио орқали сўзлаган нутқларингизни мароқ билан эшитаман. Яқиндагина Вазирлар Маҳкамасида ўтказган мажлисингизни телевидение орқали кўрдим. Сизни юракдан халқпарварларча сўзлаган нутқингизни эшитиб, Сизга бўлган ишончимиз, ҳурматимиз янада ошди. Айниқса, янги очилажак йўл ҳақидаги фикрингизни эшитиб қувониб кетдим. Фарғонадан — Қирғизистонга, Қашқардан — Ҳиндистонга қараб йўл қурилиши ниҳоятда қувончли нарса.

Илоҳим яхши ниятлар билан бошлаган ишингизни ўзингиз бош бўлиб охирига етказинг.

Хатимни якунлар эканман, олиб бораётган ишларингизни бароридан келишини Оллоҳдан тилайман. Илоҳим, ўзингиз айтган келажаги буюк бўлган Ўзбекистонни кўриш биз каби қарияларга ҳам насиб этсин!

ТОПИВОЛДИЕВ Рўзали,
Фарғона вилояти
Олтиариқ тумани
Муллажонов кўчаси,
18- уй.

МЕЪМОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Маъморлар уюшмасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшманинг ўтган даврдаги ижодий фаолияти кўриб чиқилди. Бу ҳақда уюшма раиси Феруз Ашрафийнинг ҳисоботи тингланди.

Уюшма низомига киритилган ўзгаришлар тасдиқланди. Шунга кўра, ташкилот Ўзбекистон Меъморлар ижодий уюшмаси деб аталадиган бўлди.

Анжуманда меъморчилик доктори Абдураҳмон Маҳкамов, меъмор Сергей Сутягин, «Ўздавархитектқурилиш» қўмитаси раисининг ўринбосари Фарҳод Бакирхонов, Самарқанд архитектура ва қурилиш институти профессори Неъматжон Содиқов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимиз раҳбари меъморчиликка катта аҳамият бераётганини, бу эса соҳа вакилларидан катта масъулият талаб қилишини таъкидладилар. Шаҳарсозликда ва қишлоқ қурилишида меъморчиликнинг моҳияти тобора ортиб бораётгани, меъморчилик йўналишлари, кадрлар тайёрлаш масаласи, соҳада устоз ва шогирд анъаналарини давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Унда ижодий уюшманинг кенгаши, раҳбар органлари сайланди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор Азамат Тўхтаев Меъморлар ижодий уюшмасининг раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 14 март, шанба • № 32 (22.269).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БОДОМ ГУЛГА КИРГАН ЮРТ

Табиат мўъжизаси

«Сурхондарёда бодом гуллади!» Ўтган ой жанубга йўлимиз тушганда бу хабарни эшитгандик. Аммо қишнинг изғиринли нафасидан этимиз жунжикиб турганиданми, бодом гулга кирганига, рости унчалик ишонқирамадик. Чунки айни ўша кундари юртимизга қалин қор тушган, совуқ ҳам шунга яраша эди. Айтишларига қараганда, кейинги ўн йил давомида бундай кўп қор ёғмаган экан. Шу кун биз Термиз ота қадамжоларини зиёрат қилгач, Денов туманига йўл олдик. Денов тоғли туман, шу боис ҳам анча совуқ эди. Аммо менга бояги, «бодом гуллади» деган хабар сира тинчлик бермасди. Ўша лаҳзада ўзим ҳам баҳорни соғинганимни чуқур ҳис этдим ва гулга кирган бодомни кўришга қизиқдим. Бу ниятимни ҳамроҳларимга айтгандим, улар ҳам қўллаб-қувватлашди. Биз ҳадемай боғдорчилик билан шуғулланадиган кекса отахоннинг манзилини топиб бордик. Ҳайдовчи яқин орадаги ҳовлидан чиқиб келган кекса отахон билан саломлашиб, мақсадни тушунтирди, отахон жилмайган куйи биз билан ҳол-аҳвол сўрашгач, боғ ҳовлига бошлаб кирди. Отахон боғ ўртасидаги бодом шохларини оҳиста силкий-силкий қорни туширди. Сўнг эҳтиёткорлик билан бодом шохчасини секин кўтарди-да, гўё шивирлагандек овозда: — Ана, қаранг, болам, —деди. Табиат мўъжизасидан ҳайратга тушмай иложи йўқ кишининг. Ахир, қор остида гўжум бўлиб турган бинафша ранг гулларни кўриб, ким ҳайратдан ёқа ушламайди дейсиз.

— Совуқ урмайдими? — деб сўрадим.

— Йўқ, яхшиямки гул қор остида қолди. Ишқилиб, музламаса бўлди, бу унинг иссиқ уйи, — деди отахон.

Ҳа, бу ҳаёт, аниқроғи кўклам юртимизга жануб томонлардан шу тахлит кириб келади. Бугун эса, ўша бодом чинбарг чиқарди...

Кўклам нафаси

Сурхон томонларда табиат шитоб билан уйғониб келмоқда, у инсоннинг кўнглига яратувчилик туйғусини солмоқда, ўзини деҳқон деб билган кишилар дов-дастасини кўтариб далага ошиқмоқда. Боғларда иш қизғин, одамлар токларни кўтариш, дарахтлару анорзорларни буташ, шакл бериш, тагига гўнг солиш билан банд. Қисқаси, одамларни далага отланиши ҳам юртимизга баҳор келганини эсга солади.

Сурхондарёда бошқа вилоятларга қараганда, кўклам нафаси барвақт сезилади. Шунинг учун ҳам деҳқончилик юмушлари бирмунча эрта бошланади.

— Ҳозирга қадар вилоят миқёсида 6 миллионга яқин дарахт кўчатлари ўтқаздик, — дейди қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Соатмурот Жўраев. — Кўчатларнинг аксарият қисми тут ва терак, шунингдек, турли хил манзарали дарахтларни ташкил этади.

Сурхон воҳасида кишини қувонтирадиган яна бир янгилик шундаки, Музробот, Шўрчи, Сариосиё ва Денов туманларида деҳқонлар лавлаги экишни ниҳоясига етказишаётган экан.

— 111 минг гектар майдонда кузда экилган ғаллани бир текис ундириб олдик, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдумурот Лапасов, — 96 минг гектар сувли майдондаги ғаллани эса озиқлантириб, икки марта сув ҳам тарадик. Деҳқонларимизнинг ғайрати баланд, бу йил 30 минг гектар ерга плёнка остида, 90 минг гектарига эса очиқ усулда чигит қадаш мўлжалланган. Барча имкониятлар етарли, худо хоҳласа, Наврўз айёми арафасида чигит экишни бошлаб юборамиз.

Умуман айтганда, Сурхон воҳасида иш қизғин. Деҳқонларнинг бир дам қўли бўшай демайди, зеро, уларнинг бу йилги нияти, кутаётган мўлжали ҳар дамгидан улуғ.

— Тўпаланг дарёси этагида 85 гектарга яқин ерни ўзлаштириб, бинойидек боғ яратдик,— дейди хўжалик раҳбари, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев. — Томчилаб суғориладиган бу боғда асосан сархил мева-чевалар етиштиришни мўлжаллаганмиз. Шу кунларда яхши ниятлар билан кўчат ўтқаздик. Дарё бўйидаги шу ерни ўзлаштириш учун эҳе, озмунча меҳнат қилинмади, дейсиз. Аммо меҳнатимиз зое кетмади, кўрган кўзни қувонтирадиган боғ яратдик. Яқин йилларда шу боғнинг ҳосилидан юртимиз одамлари, болачақамиз баҳраманд бўлади. Ўзинг-

(Давоми 2-бетда).

НАВРЎЗ ҚЎШИҒИ



Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!
Ҳамма бир-бирига жигар-кўз экан.
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой она!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолингга берсин барака!
Ҳой, деҳқон бобо, далангга берсин барака!
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

ВАТАН ХАРИТАСИ

Вазирлар Маҳкамасида айрим вазирлик ва идоралар, ташкилотлар ҳамда Тошкент вилоятидаги ҳокимликлар раҳбарлари иштирокида мажлис бўлди. Унда бу йилги кўклам-ёз мавсумларида Тошкент вилоятида сел ва тошқинлар, қор ва тупроқ кўчкилари ҳамда уларнинг оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

***

Юртбошимизнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги Фармонида таъкидланган вазифалар Олий хўжалик судининг раёсат мажлисида кўриб чиқилди. Фармон талабларини бажаришда хўжалик судлари олдида турган вазифалар ва уларнинг фаолиятидаги камчиликларни тугатиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

***

Тошкент тумани ҳокимлигида бўлган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг мажлисида Тошкент вилоятида БМТнинг Болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенцияси талаблари қандай бажарилаётгани, шунингдек, аҳоли меҳнат шароитини яхшилаш ва уни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

***

Яқинда Наманган вилоятидаги фермерларнинг бир гуруҳи Голландия сафаридан қайтиб келди. Улар бу мамлакатга ўзларининг хорижий ҳамкасблари иши билан танишиш мақсадида таориф буюрган эди. Сафар таассуротлари, бу мамлакат замини ҳамда ердан унумли фойдаланиш анъаналари билан танишув фермерларимиз ишига ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

***

Ҳиндистонда бокс бўйича анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди. 12 давлатдан 190 спортчи иштирок этган бу турнирда бизнинг спортчиларимиз 10 та медаль олиб қайтишди — 5 таси олтин, 2 таси кумуш, 3 таси бронза.

***

Бухорода якунланган «Ташаббус — 97» кўрик-танловида «Бухоро» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси ғолиб бўлди. Негаки, бу жамоа ҳиндистонликлар билан ҳамкорликда «Гуфик ибн Сино» фармацевтика заводини ҳамда «Мармар» Америка — Ўзбекистон қўшма корхонасини ишга туширган. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир.

***

Яқинда Фарғонада янги компьютер тармоғи ишга тушади. У вилоят ҳокимлиги, шаҳардаги 6 та йирик саноат корхонаси ҳамда политехника институтини бир-бири билан боғлайди. Бунга АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги молиявий жиҳатдан таъкинлайдиган «Евроосиё» жамғармасининг гранти сифатида 13,5 минг доллар ажратилган.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Яқин келажакда Туркманистон газини Россия худуди орқали Украинага узатиш яна йўлга қўйилади. Бу ҳақда Ашгабадда бўлиб ўтган матбуот конференциясида республика нефть ва газ саноати ҳамда минерал ресурслар вазирининг ўринбосари Хушгелди Бобоев маълумот берди. Бу ерда бўлиб ўтаётган кўргазмада 25 мамлакатдан келган 90 та компания иштирок этмоқда.

* * *

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яна бир бор жиноятчилик ҳаракати юз берди. Хеброн шаҳри ва унинг атрофидаги қочоқлар лагерида фаластинликлар исроиллик аскарларга қарши тошлар отишди ва бомбалар портлатишди. Исроиллик аскарлар бир кун аввал фаластинлик қурувчилар кетаётган юк машинасини ўққа тутишган. Оқибатда уч киши ҳалок бўлди. Тўрт киши эса жароҳатланди. Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот билан телефон орқали суҳбатда уч нафар фаластинликнинг халок бўлгани муносабати билан таъзия билдирди. Ғарбий қирғоқдаги Исроил қўшинлари қўмондони генерал майор Узи Даян фаластинлик қурувчиларни ўққа тутиш воқеасини чуқур текширишга ваъда берди.

* * *

АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Америка Канадани ягона ва кучли бўлишини хоҳлайди, деди. Шу боис ҳам у Канадага расмий ташриф буюриб, Квебек вилоятининг Канададан ажралиб чиқиб кетишига Америка ҳам қарши эканлигини билдирди.

* * *

Жанубий Корея Президенти Ким Де Жун қатор сиёсий маҳбусларни авф этиш ҳақида эълон қилди. Сеулдаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳининг хабарига кўра, 478 киши ўзининг сиёсий қарашлари учун жазо муддатини ўтамоқда. Уларнинг 23 нафари 28 йил давомида ҳибсда сақланмоқда. Авф этиш ўтган йиллар давомида ҳарбий ҳукуматга қарши мухолифатда бўлганларга ва Шимолий Корея фойдасига айғоқчиликда айбланганларга тааллуқлидир.

* * *

Агар Америка Қўшма Штатлари БМТ олдидаги қарзларини узишмаса, ушбу халқаро ташкилотдаги ўз овозларини йўқотишлари мумкин. Бу ҳақда БМТ молия хизмати раҳбари Жозеф Коннор баёнот берди. Кофи Аннаннинг Билл Клинтон ва АҚШ ҳукумати аъзолари билан учрашувида ҳам Американинг БМТ олдидаги қарзлари масаласи муҳокама қилинади. БМТ низомига кўра ўз қарзини вақтида бартараф этмаган мамлакат ушбу ташкилотда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Айни пайтда АҚШнинг БМТдан бир миллиард 300 миллион доллар қарзи бор.

* * *

Чили диктатори Аугусто Пиночет умрбод сенатор лавозимига тайинланди. Яқинда генерал Аугусто Пиночет бош қўмондонлик вазифасини бошқа одамга топширди. Шу билан унинг қонли ҳукмронлигига барҳам берилди. Ўзининг сўнгги сўзида генерал Пиночет 1973 йилдаги давлат тўнтаришида қўшган ҳиссаси ҳақида гапириб берди. Ўзини «миллатни қутқарувчи» деб атади. У бунга мамлакат ўша пайтда вайрон бўлиб кетиш арафасида турган эди, шу боис ҳам унга қутқариш зарур эди, деб изоҳлади.

Экология ва саломатлик

ЗАВОДНИНГ ЯШИЛ ҚАЛҚОНИ

Ўтган йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати фойдаланишга топширилганда мамлакатимиз Президенти қисқа муддатларда қад ростлаган ишчилар шаҳарчасини сахродаги қум кўчишлар, чанг-тўзонлардан муҳофаза қилиш мақсадида «Нефтчи» ўрмон хўжалиги ташкил этиш лозимлигини таъкидлаганди. Хўш, ўтган давр ичида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Нефтчилар шаҳарчасининг қурилиши бошланган дастлабки дамларданоқ корхона иншоотлари, йўллар атрофида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишга киришилганди, — дейди Бухоро вилоят ўрмон хўжалиги бош корхонаси бошлиғи Шавкат Иброҳимов. — Ҳозир кўчатларнинг 130 минг тупи кўкариб, яшил қалқон вазифасини ўтаяпти. Бундан ташқари, 30 гектар майдонда иҳота дарахтзорларига асос солинди.

Ҳамсуҳбатимизнинг таъкидлашича, корхона ва нефтчилар шаҳарчаси атрофида 18 минг гектар майдонда ўрмонзорлар яратиш, 200 гектарлик боғ-чорбоғ бунёд этиш назарда тутилган. Бунга эришиш учун бош корхонада 35 тонна саксовул уруғи ва бир миллион тупдан ортиқ саксовул кўчати мавжудки, улар эрта баҳорда ерга экилади. Бунда «Нефтчи»га Ғиждувон, Шофиркон, Жондор, Қоракўл ўрмон хўжаликлари жамоалари ёрдамга келадилар.

Бир сўз билан айтганда, 2000 йилгача йирик корхона атрофида яшил воҳа яратишнинг барча имкониятлари мавжуд.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ОЧИҚ ОСМОН

Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиясининг яқинда Вашингтонда ўтган биринчи сессияси чоғида икки томонлама муносабатларга оид бир қатор муҳим масалалар кўрилиб, ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Улар орасида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида ҳаво қатновлари тўғрисидаги битим ҳам бор. Америкаликлар МДҲ тарихида илк бор бундай муҳим ҳужжатни бизнинг мамлакатимиз билан имзолаганликлари диққатга сазовор. Зеро у «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га АҚШнинг исталган шаҳарларига парвоз қилиш ва улар орқали Канадага, Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларига парвоз этиш ҳуқуқини беради. Шу боис мамлакатларимиз ўртасида имзоланган ҳаво қатновлари тўғрисидаги битимни ҳақли равишда очиқ осмон тўғрисидаги ҳужжат дейиш мумкин. Бу «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг жаҳон ҳаво йўллари бозоридаги мавқеи ва нуфузи ошиб бораётганлигининг яна бир исботидир.

Алишер РЎЗИЕВ.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ИТАЛЯНЛАР НЕГА КЕТИБ ҚОЛИШДИ?

Маълумки, бундан тўрт-беш йиллар аввал Тошкент мотор заводида қишлоқ хўжалик техникалари учун янги двигателлар ишлаб чиқариш мақсадида Италиянинг «Аджинд-интернейшнл» фирмаси билан ҳамкорликда « Ўзиталмотор» қўшма корхонаси барпо этилганди. Икки томонлама тузилган шартномага кўра, бу ерда йилига 60 минг дона двигатель, 10 мингта автопогрузчик, 3 мингта мини трактор ва шунча миқдорда автотранспортёрлар ишлаб чиқариш мўлжалланган эди. Шунингдек, хорижлик ҳамкорлар ёрдамида қарийб эллик гектарлик майдонни эгаллаган мазкур корхонани жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш, қарийб ўн йилдан бўён ҳайҳотдек ҳувиллаб ётган ўн икки қаватли бинони меҳмонхона мажмуига айлантириш кўзда тутилганди. Республика Вазирлар Маҳкамаси бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб қўшма корхонага фойдадан олинадиган солиқлар ва божхона божларини тўлаш бўйича бир қанча имтиёзлар яратиб берганди.

Хўш ҳукуматимиз томонидан яратилган ана шундай қулайликлардан сўнг корхонада қандай ўзгаришлар бўлди. Биз ана шу саволларга аниқлик киритиш мақсадида «Ўзиталмотор» қўшма корхонаси бош директори Владимир Одиловга учрашдик.

— Биласизми, - деди у мақсадимизни тушунгач ,- бу ердан италянларнинг кетиб қолганига анча бўлган. Шунинг учун сиз италияликлар ҳақида эмас, балки АҚШнинг «Камминз» фирмаси билан шартнома асосида иш бошлаганимизни ёзсангиз яхши бўларди.

— Италиялик ҳамкорлар бу ердан нега кетиб қолишди?

— Бу ҳақда аввал ҳам бир нечта мухбирлар менга мурожаат қилган. Аммо мен уларнинг айнан шу саволига жавоб бермаганман.

— Нима, уларнинг кетиши шунчалик сирми?

- Сир эмасу, аммо бу, ўта жанжалли иш...

Дарҳақиқат, бизни қизиқтирган саволлар жавобсизлигича қолди. Аммо айрим маълумотларга қараганда, хорижлик ҳамкорлар бу ердан бутунлай кетишганича йўқ. Чунки улар бу корхонага қарийб уч юз минг долларлик сармоя сарфлашган. Эндиликда улар ана шу самарасиз сарфланган сармоя эвазига бошқа жойдан алоҳида бино ажратиб беришни талаб қилишмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ишончли ҳамкорлар Ўзбекистонга ҳали ҳам сармоя сарфлашдан воз кечишганича йўқ.

Унда уларни корхонани ташлаб кетишларига нима мажбур этди? Балки маҳаллий амалдорлар томонидан уларга керакли шароитлар яратиб берилмаганидир? Биз худди ана шу саволларга жўялироқ жавоб олиш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раиси Рафиқ Матчоновга қўнғироқ қоқдик.

— Бу ҳақда ёзишга ҳали эрта, —деди у дабдурустдан. — Сабаби, биз ҳозир италянлар билан «переговор» олиб бораяпмиз. Балки, улар билан яна ҳамкорликда ишлаб қолишимиз мумкин.

— Ахир, Тошкент мотор заводи ҳозир америкаликлар билан ишлаяпти-ку!

— Энди, биз италияликлар билан ишлаймизми ёки америкаликлар билан, бу бизнинг ички ишимиз. Шунинг учун бу масалага аралашишларингиз шарт эмас. Иккинчидан, мақола чиққани билан бирон-бир муаммо ҳал бўлиб қолмайди...

Компания раисининг жавобидан ҳам кўриниб турибдики, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» раҳбарияти ишлаб чиқаришга чет эл сармоясини жалб қилишда «Али бўлмаса, Вали-да» қабилида иш тутаётганлиги, давлат аҳамиятига молик масалага енгил-елпи қарамоқда.

Ҳолбуки мамлакатимиз Президенти қайси давлатга ташриф буюрмасин, биринчи навбатда, ана шу юртнинг ишбилармону тадбиркорлари билан учрашиб, уларни республикамизга сармоя сарфлашга чақираётган бир пайтда, бунақа амалдорлар томонидан хорижлик ҳамкорларнинг ишончи пучга чиқарилаётганлигини қандай тушуниш керак?

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

СУТ, ҚАТИҚ, ҚАЙМОҚ

ҚАШҚАДАРЁ. Қишлоқда маҳсулотлар қайта ишланмас экан деҳқон билан чорвадорнинг даромади кўпаймайди. Яккабоғ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида етиштирилаётган сут илгари узоққа ташиларди. Чорвадор эса фойдадан кўра зарар кўрар эди. Бу хўжаликда соатига 500 литр сутни қайта ишлайдиган кичик корхонанинг ишга туширилиши бундай муаммони бартараф этишга имкон берди. Хўжаликнинг ўзида сут, қатиқ, қаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Транспорт харажати ва фойда чорвадорлар киссасида қоладиган бўлди.

Юнус УЗОҚОВ.

ХДП хабарлари

ЎРГАНАЙЛИК, ТАРҒИБ ЭТАЙЛИК!

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 февралда бўлиб ўтган, мажлисида «Барқарор тараққиётга эришиш — устувор вазифа» мавзуида маъруза қилиб, унда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотлар якунлари ҳар томонлама таҳлил этилди, ютуқларнинг моҳияти ва камчиликларнинг сабаблари очиб берилди. Маърузада, шунингдек, жорий йилдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти шу масалага доир ўз қарорида, ушбу ҳужжатнинг дастурий аҳамияти ва уни яхши билишнинг ҳар бир ХДП аъзоси, мамлакатимиз фуқаросининг тафаккурини ўстиришга, уларнинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссаси янада салмоқлироқ бўлишига хизмат қилишини ҳисобга олиб, партия ташкилотларида юртбошимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишни уюштиришни мақсадга мувофиқ, деб топди. Партия ташкилотларига унда баён этилган хулоса ва қоидаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиш тавсия қилинди. «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятлари зиммасига маърузанинг мазмун ҳамда аҳамиятини тарғиб қилувчи, уни ўрганувчиларга кўмак тарзидаги, мақолаларни босиб чиқариш вазифаси юклатилди.

Котибият, ушбу муҳим ишда маҳаллий партия ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида, маърузани ўрганиш бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг Намунавий режасини ҳамда унга доир, аҳоли ўртасида уюштириладиган, мулоқот, суҳбат, илмий-назарий анжуман ва бошқа оммавий-сиёсий, тадбирларнинг Намунавий мавзулари рўйхатини маъқуллади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти «Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш — давр талаби» мавзусига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б. Эшонов бу ҳақда маъруза қилди.

Машғулотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳри, вилояти, шунингдек, уларнинг таркибидаги туманлар ҳамда айрим шаҳарлар кенгашлари масъул ходимлари, ХДП марказий матбуот нашрлари журналистлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ЙИГИТЛАР БЕЛЛАШГАНДА

ЖИЗЗАХ. Яқинда Зафарободда туман ҳокимлиги, ЎзХДП туман кенгаши, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими ташаббуси билан «Балли, йигитлар» кўрик танлови ўтказилди. Бешта шартдан иборат бўлган ушбу танловда тумандаги ташкилот, корхона, ижараширкат хўжаликлари ходимлари ва мактаб ўқувчилари қатнашдилар.

Айниқса, баҳсда кўрик қатнашчиси Дилмуҳаммад Валиев йиғилганларни лол қолдирди.

Туман «Камолот» жамғармаси ходими Беҳзод Холматов ва 10-ўрта мактаб ўқувчиси Орзимурод Бозоровлар кўрик танловнинг ғолиблари деб топилди.

— Туманимизда бу каби қизиқарли тадбирлар ҳар ҳафтада ўтказилиб борилмоқда - дейди биз билан мулоқотда туман ҳокими Алишер Исроилов. — Бу йўналиш учун ҳудудимиздаги барча корхона, ташкилот, мактаб, давлат хўжаликлари раҳбарларидан тортиб оддий ходимигача жалб этмоқдамиз. Қолаверса, Оила йилида бу каби тадбирларни янада кўпайтирамиз.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

Менда **таклиф** *бор*

МИЛЛИЙ БИРИНЧИЛИК ЎТКАЗИЛСА

Наврўз нишонланишига саноқли кунлар қолаётир. Маълумки, Наврўзда халқимизнинг барча қадимий анъаналари, урф-одатлари, ўйинлари ёдга олинади. Шу муносабат билан қуйидаги мулоҳазаларни баён қилмоқчиман. Элимиздаги спорт тури -- кураш ўта қадимий, шунингдек бугун ҳам оммавий ҳисобланаётган халқимизнинг ўлмас удумларидан.

Наврўзда курашга кенг ўрин берилади. Шундай экан Наврўз муносабати билан пойтахтимизда ҳар йили миллий курашимиз бўйича биринчилик ўтказилса. Фақат ўтказиш тартиби спорт мусобақаси қоидаларига асосан эмас, халқимиздаги бугунги тўй-ҳашамларда ўтказиладиган тарзда амалга оширилса, ҳақиқий наврўзий томошага айланган бўларди.

Аброр БОБОЕВ,
Тошкент шаҳри.

— Мен бахши бўламан.
И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

БОДОМ ГУЛГА КИРГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан чиққанга нима етсин!

Деновлик Нозим Мирзаев саксон ёшни қоралаган. Кўпни кўрган, оқил киши. Тиним билмайди, элнинг тўй-маъракаси-ю, катта-кичик тадбирларида ҳамиша бош-қош бўлиб келади. Ёшлардан ўзининг панду насиҳатларини аямайди. Яқинда бир суҳбатда отахон шундай деди: —Денов канали бўларди, Лекин ўттиз йилдан бери тозаланмай ётганидан унинг номигина қолган эди, холос. Айтсам ишонмайсиз, канал эмас, нақд ахлатхонага айланганди. Шу ҳокимга раҳмат, элнинг бошини қовуштириб, ҳашар йўли билан канални тозалади. Кўпчилик-кўпчилик-да. Ҳозир шу каналда зилол сув оқади. Файзу таровати атрофга уради. Касалликлар ҳам ариб кетди.

Ҳақиқатдан ҳам, шаҳарда сув танқислиги сезилиб қолган эди. 15 километр узунликдаги канал 18 кунда ҳашар йўли билан тозаланди, 22 минг тонна чиқинди чиқди. Албатта, бу гап айтишга осон. Туман ҳудудида бундай хайрли ишлар ҳар куни амалга оширилади десак муболаға бўлмайди.

Шу кунга қадар туман хўжаликларида 63 гектар ерга дарахт кўчатлари экилди, 35 гектар ер эса узумзорга айлантирилди. Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалик аъзолари плёнка остига чигит экишни бошлаб юборишди. Айниқса, янгиланиш аввалида олти асрлик тарихга эга Саид Оталиқ мадрасасида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳақида ҳам кўп ва хўп гапириш мумкин.

Наврўз — боқий байрам

Яқин кунларда ерга уруғ қадалади. Уни қадимги анъанага кўра кекса отахон дуо билан сепади. Бу одат минг-минг йиллардан буён давом этиб келади. Шу куни дала бошида дастурхон ёзилиб, баҳорнинг тансиқ неъматларидан тайёрланган таом тортилади. Унда «сен уни қил, сен буни қил» деб эмас, ҳар ким ўз ҳолича, баҳорий неъматлар тайёрлайди ва бу тансиқ таомларни дастурхонга қўйиш кишиларга қувонч бағишлайди. Жамоанинг йиғилган сармояси ҳисобига қўй сўйиб, яхши ниятлар билан «қон чиқариш» ҳам азалий одат. Шу куни дала бошида кечгача байрам қилинади. Кайвони аёллар байрам дастурхони ноз-неъматларидан тугунлар қилишиб, қишлоқ ва маҳалладаги кексалар ҳолидан хабар олишади, етим-есирлар, бева-бечоралар кўнгли овланади.

Эскидан бир одат бор, эрта наҳордан қош қорайгунча фақат яхши ниятлар билан сумалак истеъмол қилиб юрган кишининг йил бўйи иши ўнгидан келади, доимо соғлом, бардам бўлади деб айтишларида ҳам жон бор. Бу одат сўнгги йилларда воҳа қишлоқларида яна тикланиб бормоқда.

Қишлоқда ёши улуғ онахоннинг уйларида сумалакка қозон осилади. Ўтин тут дарахтидан бўлиши керак, дейишади. Бунда ҳам балки, бирор ҳикмат бордир. Қозон тагига маҳалланинг кексаси ўт ёқади, сумалак пиширишнинг барча амалларини ўзлари адо этадилар. Туни билан ўчоқ атрофида қишлоқ аёллари-ю болалари йиғилиб ривоятлару достонлар айтишган, Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли каби достонлар қайта-қайта айтилган. Оналар болаларини худди достонларнинг қаҳрамонларидек шерюрак бўлишини кўнглига тугиб, қозон бошида ният қилишган. Туни билан болалар «оқ суяк» ўйинини ўйнашган. Бу ўйиннинг қизиғи шундаки, узоққа улоқтирилган суякни қоронғи тунда қайси бир бола биринчи бўлиб топиб, топгандаям улоқчидек, суякни тенгдошларига олдириб қўймасдан, чаққонлик билан жўрабошига етказиб, унинг олдига ташлаши керак. Бу ўйинга баъзан катта ёшдагилар ҳам қизиққанидан қўшилиб кеттанини сезмай қолишади. Ана шундай ботирликка, қўрқмасликка ундовчи миллий ўйинларимизнинг аксари Наврўзларда бунёд бўлган десак муболаға бўлмайди. Бу ўйин эрталаб чиллак, пешиндан эса кўпкари билан боғланиб кетган.

Эрталаб сумалак пишгач, қозонни онахоннинг ўзи очади, ҳар бир кишининг эҳтиёжига қараб ўзлари сумалакни тақсимлаганлар. Сумалак тақсимотидан кейин кекса онахон «қўлини» ўзларидан кейинги қайвонига топширадилар. У онахон эса маҳалла ёки қишлоқ сумалакларида то мавсум охиригача қайвонилик қиладилар. Бу Сурхондарёнинг тоғли қишлоқларидаги азалий одат.

Жанубликлар тантанаси

Эртага тонг саҳарданоқ Бойсун тоғларида Наврўз тантаналарига чорловчи ҳайқиригу карнай сурнай садолари янграса ажабмас. Чунки бу йил Сурхондарёда Наврўз тантаналари айнан Бойсундан бошланиши режалаштирилган. Тантаналар кун сайин шимолий туманлар сари илгарилаб кетаверади.

Наврўз куни эрта тонгданоқ одамлар гуррас-гуррас Термиз отчопари томон йўл оладилар. Шу куни отчопар мисли кўрилмаган байрам тусини олади. Оммавий халқ сайиллари ўтадиган жойларда катта концерт дастурлари намойиш қилиниб, замонавий спорт ва халқ ўйинларининг мусобақалари бўлиб ўтади. Хонандаю, созанда дейсизми, бахшию, қизиқчи дейсизми, спортчию, алпқомат полвонлар дейсизми ҳамма-ҳаммаси томошабинлар ҳузурида ўз санъатини намойиш этади.

Шу куни отчопарда ҳар бир туман ва шаҳар ҳамда вилоятдаги йирик ташкилотларнинг рамзий қўрғонлари тикилади. Унда воҳа халқининг азалий урф-одатлари, Наврўз билан боғлиқ анъаналаридан ҳикоя қилувчи миллий қадрият намуналари намойиш этилади.

Спорт ва миллий ўйин мусобақалари ғолиблари учун тайёрланган қимматбаҳо совға-саломлар, совринлар бугунгача тахт қилиб қўйилган.

Ҳа, Наврўз юртимизда ана шундай тантаналар билан бошланади.

Зариф МИРЗАҚУЛОВ.

Ислоҳот ва масъулият

ЭРТАГА БАРМОҚ ТИШЛАМАЙЛИК

Навоий вилояти нафақат қоракўлчилик, балки йилқи ва туячиликда ҳам республикада етакчи ўринда туради. Чунки вилоят умумий ҳудудининг учдан икки қисмини эгаллаган Қизилқум сарҳадларида тўртта чорвачилик, 38 та қоракўлчилик хўжаликлари бўлиб, уларда ҳозир жами 799 минг 570 бош қўй-эчки, 798 бош йилқи, 6964 бош туя, кўплаб қорамол парвариш қилиняпти. Улар учун 1870 та қўра ва қўтон, 30 га яқин туя ва йилқихоналар мавжуд.

Қишловни беталофат ўтказиш мақсадида 150 минг тоннадан ортиқ дағал хашак, 9150 тонна пичан, 223600 тонна сенаж ва бошқа турдаги озуқалар жамғарилган. Бу ем-хашак турлари жойлардаги 50 дан зиёд цехларда, 40га яқин озуқа майдалаш пунктларида қайта ишланиб, жойларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Қизилтепа туманидаги «Маликчўл», Хатирчи туманидаги «Олтинсой», Конимех туманидаги «Сарбил», Абай номли, Нурота туманидаги «Нурота» жамоа хўжаликлари қишлов — синов мавсумидан муваффақиятли ўтиб олишди. Энг муҳими, бўғоз совлиқларни алоҳида ажратиб боқиш, ориқ қўй ва эчкиларни эса иссиқхоналарда қўшимча озуқа билан боқиш яхши йўлга қўйилди. Шунинг учун ҳам бу хўжаликларда қорли-қировли, совуқ кунлар бечиқим ва беталофат ўтди.

Афсуски, бу сингари тадбиркорлик ва ишбилармонлик вилоятнинг ҳамма хўжаликларида ҳам давом этди, деб бўлмайди. Айниқса, қишлов ўта оғир кечиб, изғирин-совуқ 15-20 даражагача борган Томди, Учқудуқ туманларида аҳвол мураккаб кечди. Қишлов жойларида, қўра-қўтон ва кошарлар ёнида етарли пичан ва омухта емлар айтарли кўринмади. «Қўлдан берганга қуш тўймас», деганларидек совлиқларга хўжакўрсинга граммлаб берилаётган кепак нима бўлади? Бунинг устига бўйнигача қарздор бўлган бир қатор қўйчилик хўжаликларида отарларарро юриб туриши лозим бўлган, қўшимча ёрдам уюштирувчи транспорт ҳаракати ҳам ўлдажўлда. Ёнилғи, эҳтиёт қисм етишмагач, техника ва машиналар қандай ҳаракатлансин? Бундай ачинарли ҳолатни Конимех туманидаги «Қароқота», «Конимех», Учқудуқ туманидаги «Мингбулоқ», Ю.Гагарин номли, Томди туманидаги Ж.Балиманов номли, «Томди», Нурота туманидаги «Наврўз», Ш.Рашидов номли жамоа хўжаликларида учратиш мумкин. Худди шунга ўхшаш сабаблар боис бу хўжаликларда туёқ сони кўпайиш ўрнига, камайиб боряпти. Натижада молиявий аҳвол, иқтисодиёт издан чиқмоқда. Бу эса чўпон-чўлиқларнинг вақтида ойлик маошларини ололмасликка сабаб бўляпти.

«Чўпон чакмонига хасхашак илинса, қўй тўяди», деган пурҳикмат мақол бор. Яйловларга қалин қор тушган, ўт-ўланлар усти музлаб, ширчалаб қолган, чакмонга чўп илинмаётган пайтда иссиқ қўра, буғланган ва майдаланган ем-хашак билан таъминлаш долзарб масала эканлигини унутмайлик.

Бу йил навоийлик қоракўлчилар ҳар юз совлиқдан 95 тадан қўзи олиш ёки умумий майда моллар сонини 1 миллионга етказиш ниятидалар. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Бунинг учун республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика қоракўлчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси мутасадди ходимлари айни шу кеча-кундузда ташаббусни ўз қўлларига олмоқлари, қизилқумлик чорвадорлар учун амалий кўмакни аямасликлари даркор. Акс ҳолда кеч бўлади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЯНГИ УСУЛ ҚЎЛ КЕЛДИ

НАМАНГАН. Поп тумани «Ғурумсарой» жамоа хўжалигида ўтган йили чигитни плёнка остига экиб барака топдилар. Гектаридан 46 центнергача ҳосил олган миришкорлар Андижон усулини бу йил катта майдонларда қўлламоқдалар.

Хўжаликнинг Т. Хўжаев бригадасида вилоятда биринчи бўлиб чигитни плёнка остига экиш бошланди. Бригадирнинг мўлжали бу сафар 60 гектар ерда шу усулда деҳқончилик қилиш.

Мингбулоқ туманида ҳам чигитни плёнка остига экишга киришилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Хатлар **хатлар** *хатлар*

УВОЛИ ТУТМАЙДИМИ?

Ҳеч қаерда сўзларингга қулоқ солишмагандан кейин ёзишга мажбур бўларкансан. Гап шундаки, 1989 йили отам ўзи ишлайдиган 3-қурилиш поезди -- Оқтош шаҳар Зирабулоқ кўчасидаги янги қўшқаватли бинога кўчди. Бу бинонинг атрофида ташландиқ ерлар бор экан. Бетартиб, ахлатхонага айланаёзган бу жойни ободонлаштириш, текислашга тўғри келди. Ҳатто техника ёллаб тош ва ахлатларни сурдик. Машина ёллаб, тупроқ солдирдик. Кафтдек масканга айланди. Мевали дарахтлар ўтқазиб, ўртасига беда экдик. Қарабсизки, 3-4 йил ичида боғ вужудга келди. Орадан олти йил ўтгач Калифорния тераги қаламчаларини келтириб бинонинг орқа қисмига қададик. Қаламчалардан 180 таси кўкарди.

Ҳамма иш жойида эди. Беш йил аввал бинонинг иккинчи қаватини «Тадбиркор банк»нинг Оқтош бўлими ижарага олди. Афсуски, 3-қурилиш поезди бинони ўз балансига киритмаган экан. Бундан фойдаланган банк раҳбарияти бинони бир миллион 600 минг сўмга сотиб олди. Фақат бинонинг ўзини, қурилиш поезди эса бир қаватли эски бинога кўчишга мажбур бўлди. Шундан кейин ғалва бошланди. Ҳовуз кавлатамиз деб, кўкариб турган дарахтларга озор берилди. Сув тармоғи бузилди. Бедазор сувга бостирилди. Боғбон сифатида расмийлаштирилган, банк бошқарувининг раиси Ўғилой Халилованинг куёви кўкаламзорлаштириш ишларига бефарқ экан. Энг ёмони, тераклар энди бўй бераётган пайтда уларни «қирқамиз» деб қолишди. Банк раҳбариятини фикрига қараганда, теракларга чиққан ўғри бино ичкарисига кириши мумкин эмиш. Албатта, эҳтиёткорлик яхши, лекин деразаларга панжара ўрнатилган-ку, сигнализация ишлаб турган бўлса, бунинг устига касса теракзордан олисда, алоҳида жойда-ку. Умуман бино билан тераклар ўртасида икки метрдан кўпроқ очиқ жой бўлса-ю, ўғри улар айтганчалик иш тутса. Хуллас бошимиз қотган, нима қилишни билмаяпмиз. Дарахтлару теракларнинг уволидан қўрқасан-да, киши.

Бахтиёр РАШИДОВ,
Оқтош шаҳри.

Таҳририятимизга Фарғона вилоят касалхонасида ишловчи бир гуруҳ шифокорлардан шикоят хати келди. Унда вилоят клиник касалхонаси ва умуман Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб камчиликлар мавжудлиги тилга олинган. Бунга асосий сабабчи вилоят касалхонаси бош ҳакими Камол Қорабоев, дейилган. Бир сўз билан айтганда бош ҳаким адолат тарозисини тўғри қўймаётганлиги боис тарафкашликлар авж олаётгани, таниш-билишчиликка йўл қўйилаётганлиги айтилган. Айниқса, Қорабоев 3-жарроҳлик бўлими мудири Неъмат Маҳмудовни жон-жаҳди билан қўллаб-қувватлаши оқибатида ўттиз йиллик меҳнати сингган профессор ва тажрибали жарроҳлар камситилаётгани, бўлим мудири камчиликларини бош ҳаким хас-пўшлаш билан овора бўлаётгани қаламга олинган. Хуллас, аҳвол шу даражага етганки, қайси жарроҳнинг операция қилган бемори вафот этса, иккинчи тарафдан бўлган жарроҳлар қувониши шикоятда ёзилган.

Вилоят касалхонаси бош ҳакими Камол Қорабоев 15 йилдирки, шу вазифада. Шикоят ёзганларни беш қўлдай биларкан. Ҳатто вилоятда махсус комиссия тузилиб, икки бор текширганлигини айтди. Ҳамроҳларимиз билан 3-жарроҳлик бўлими, реанимация, кўкрак қон томирлари бўлимларини айландик. Беморлар билан суҳбатлашдик.

Тўғри, қайси бўлимда бўлмайлик, асосий йўлакчалар яхши безатилганлигини кўрдик. Аммо, беморлар ётадиган хоналар эътибордан четда қолган. Улар совуқда уйидан олиб келган иссиқ қишки кийимлари билан ётибди. Хоналар ифлос. Беморларнинг нон ва турли овқатлари, олиб келган дори-дармонлари шкафларда очиқ-сочиқ турибди. Электр чироқларини ёқадиган кўпгина ускуналар таъмирталаб, баъзилари ишламайди.

1

НОРАСИДАДА НЕ ГУНОҲ?

Тўрт яшар гўдакнинг қотиллари ҳақида

Ўтган йилнинг март ойи бошларида Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бирида тўрт яшар норасиданинг ваҳшийларча ўлдирилган жасади топилди. Улим қасддан содир этилганди. Қотиллар тезда аниқланди.

Марҳумнинг исми Михаил бўлиб, унинг бу фоний дунёдан эрта кўз юмишига, бевақт хазон бўлишига сабабчи онаси (она дейишга нафратланасан киши) эди. Олий маълумотли Елена Маркина 4-сонли касалхонада шифокор бўлиб ишлаган. Қирқ ёшлар атрофидаги кўк кўз, малла соч, кўҳликкина аёл турмуш ўртоғи билан ажрашади. У ширин ва тотли ҳаётни тор маънода тушунди. Шу боис бузуқ фаҳш йўлларга кирди. Ана шундай умргузаронлик қилиб юрган кезларида ўзидан етти ёш кичик Алексей Миронов деган муҳандис йигит билан танишиб қолди ва никоҳсиз яшай бошлади... «Ўхшатмасни учратмас» деганларидек, Алексей ҳам хотини билан орани очиқ қилганди.

Орадаги муносабатга Еленанинг икки ўғли Павел ва Михаиллар кўпроқ халақит беришарди. Бундан Алексейнинг жаҳли чиқиб юрди. Шу боис, асабийлашиб, маст ҳолда жанжал - тўполон кўтарарди. Бу ортиқча «машмаша»лардан чўчиган, безган Павел бувасиникига, баъзан эса дўстларникига кетиб қолиб, ўша жойларда тунарди. Иложсиз Михаилгина ўгай отасининг қийноқларига, азоб беришларига чидар, «севишган»ларнинг уйда беҳаёларча юриш-туришларига қарай олмасди...

Бироқ, ёш Михаил учун бу қийноқлар узоққа чўзилмади. Аниқроғи, у «халақит» бераётганлиги учун уйдан йўқотилди. 1997 йилнинг 21 февралида Алексей билан Еленанинг навбатдаги «ўтириши»да Михаилга кўп миқдорда вино ичирилди. Ичимликни ёш болага уни гоҳ қўрқитиб, гоҳ ялиниб-ёлвориб ичирди. Елена эса «ўйнаши»ни қўллаб-қувватлаб турди. Вино таъсирида Михаил хушини йўқотди. «Ошиқ маъшуқа»лар эса айш-ишратга ошиқишди... Алексей душдан чиқишда ваннани иссиқ сувга тўлдирди. Ҳушсиз ётган болани кўтариб бориб, қайноқ сувга ташлади. Ваҳшийлик устига ваҳшийлик қилиб, ошхонадан пичоқ олиб келди-да, ёш гўдакнинг бир неча жойига пичоқ урди. Ёш болакай фоний дунёдан боқий дунёга рихлат бўлаётганлигини сезмай ҳам қолди. Қулгичлари жилмайганча даҳшатли қотилликнинг қурбони бўлди. Ўз боласи қотили бўлишига йўл очган Елена эса ўғли устига эски адёл ёпиб қўйди ва ўйнаши билан уйдан чиқиб кетди.

Ё, тавба!

Ваҳший қотилликка қўл урган «севишган»лар, аниқроғи, ўйнашлар нималарни ўйлагани бизга қоронғу. Шуниси аниқки, икки олий маълумотли мутахассислар ўзларини ақлли, заковатли инсон, деб ўйлаб юрган икки оёқли махлуқлар бегуноҳ боланинг қотилларига айланганди.

Қотиллар қилмишларига яраша қонун олдида тегишли жазоларини олишди. Самарқанд вилоят суди А. Мироновни олий жазога, Е. Маркинани эса 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Асад ИМОМОВ,
Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давлат тилига эътибор йўқ ҳисоби. Барча ҳужжатлар рус тилида юритилади.

Ниҳоят, шикоятчилар билан шу ердаги кичик мажлислар залида учрашдик. Арзномада исмишарифи ёзилган тиббиётчилар ҳам тўпланибди. Ошкора мулоқотдан маълум бўлгани — 3-жарроҳлик бўлими ва шу бўлимдаги кафедра ўртасида гуруҳбозлик пайдо бўлган. Бири бўлим мудири Неъмат Маҳмудов ва унинг тарафдорларини ёмонласа, иккинчи гуруҳга жам бўлганлар шикоятчиларни «кўрарга кўзи йўқ». Энг ёмони, ошкора ўтган муҳокамада икки томон вакиллари қуракда турмайдиган сўзлар, қолипга сиғмас гаплар билан бир-бирини ёмонлайди. Раҳбарият эса: «Н.Маҳмудов тажрибали жарроҳ, икки йилдирки биронта ҳам киши унинг операциясидан сўнг ўлгани йўқ» дея бўлим мудирини оқлагандай бўлди. Аммо, шикоятни йўллаган олий маълумотли жарроҳлар А.Маҳмудов, З. Қодиров, М.Парпиев, И.Тўйчиев, М.Турдиқулов, А.Султонов ва Б.Аҳроровлар: «Неъмат Маҳмудов энг оғир кечадиган операцияни қилмайди. Жарроҳлик бўлими бошлиғи сифатида ўзи бизларга бундай операцияни юклайди»,-- дейишди.

Текшириш натижаси шуни кўрсатдики, Неъмат Маҳмудовнинг ўрни кимгадир керак. У бўлим мудири бўлиш билан бирга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош жарроҳи ҳам экан. Шикоятчиларнинг эътирозлари ҳам ўринли. Чунки, биздан олдин икки бор вилоятда махсус гуруҳ шикоятчиларнинг арзи бўйича текширган. Аммо, улар ҳеч қандай натижани — на ташкилий, на бошқа бирор чорани кўрмаган. Шундан сўнг таҳририятимизга шикоят ёзилган.

Ниҳоят, таҳририят бу икки жавобни олди. Бири Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ҳамрохон Ҳожираҳматовадан, иккинчиси Фарғона Давлат университети ректори, профессор Эркин Абдуллаевдан. Қуйида жавобларни бироз қисқартирган ҳолда ҳавола қиляпмиз.

2

***

«Фарғона вилоят клиник шифохонасини 3-жарроҳлик бўлими жарроҳлари ва шу бўлимда фаолият кўрсатаётган Фарғона Давлат университетини «Тиббиёт маркази» факультетини ички касалликлар ва жарроҳлик кафедраси жарроҳлари томонидан ёзилган хатни, газетанинг бўлим мудири Э.Эсиргадиев келиб мутахассислар ва касаба уюшмаси қўмитасини қатнашувида ўрганиб чиқди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, университет ректорати ва «Тиббиёт маркази» раҳбарлари хатда келтирилган далилларни чуқур ўрганиб чиқиб, 3-жарроҳлик бўлимидаги жарроҳлар орасидаги муҳитни яхшилаш учун чора- тадбирлар белгилади ва амалга

ОҚ ХАЛАТДА

ёки жарроҳлар

оширди.

«Тиббиёт маркази» факультети бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, Олий Мажлис депутати Ю.Нишонов бошчилигида кафедрада жарроҳлик соҳасидан ўқитиш соатлари кўриб чиқилди. Ўқув ва амалиёт дарсларини ўтказиш учун қўшимча жарроҳлик бўлимлари ажратилди. Кафедра жарроҳлари алоҳида бўлимларга бириктирилиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18\06-1993 йилдаги № 279 сонли қарорини 2-иловасида кўрсатилганидек, стоматология, офталмология, суд тиббиёти, акушер-гинекология фанларидан дарслар ўтиш учун вилоятдаги ихтисослаштирилган шифохоналар талабаларни ўқитиш учун биркитилди.

Вилоят шифохонасининг тиббиёт тизимида ислоҳотлар олиб борилмоқда. 30 ўринга амбулатор жарроҳлик маркази ва 30 ўринга ихтисослаштирилган махсус амбулатория даволаш бўлими ташкил қилинган. Унумсиз ишлаган ўрин жойлар қисқартирилган, лекин штатлар қисқариб ишдан кетган ҳаким йўқ.

Жарроҳ Н.Маҳмудовни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош жарроҳи лавозимидан бўшатиш кўриб чиқиляпти.

Жарроҳ З.Қодиров шу йилни март ойида шаҳар шифохонасининг жарроҳлик бўлимига мутахассислиги бўйича ишга

3

ТАҚИҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Вьетнамга нисбатан қўлланилаётган савдо-иқтисодий тақиқни бекор қилди. Президентнинг бу қарори, шубҳасиз, Америка фирма ва компанияларига Вьетнамда кенг қўламли фаолият олиб боришлари учун катта имконият яратади. Шунингдек, энди АҚШ бозорига Вьетнамдан келтириладиган маҳсулотларга солинадиган бож солиқлари ҳам камаяди.

ИККИТА САМОЛЁТ ОЛДИ, ЭНДИ ЯНА ОЛМОҚЧИ

РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, Япония қуролли кучлари АҚШдан «Авакс» русумли иккита янги самолёт сотиб олди. Бу самолётларда ҳавода душманни узоқ масофадан туриб кўриш ва кузата олиш имкониятлари мавжуд. Мазкур самолётларнинг нархи 57 миллиард иенга (440 миллион АҚШ долларидан қўпроқ) баҳоланган. 1998 йил охирида Япония АҚШдан яна иккита ана шундай русумли самолёт харид қилишни режалаштирган.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Маълумки, Англия 2006 йили бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон биринчилиги ўйинларини ўз майдонларида ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) президенти Ж. Авеланж Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр билан учрашуви чоғида Англиянинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди. Тони Блэр ҳукумати мазкур тадбирларни ўтказиш учун ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

ЭНДИ БИЛСАК, СУИҚАСД УЮШТИРИЛИБДИ

Маълумки, Аргентина Президенти Карлос Менемнинг ўғли бундан 3 йил олдин авиация ҳалокатига учраб ҳалок бўлган эди. Президентнинг фикрича, унинг ўғлига суиқасд уюштирилган.

Ўшанда дастлабки текширув ишлари натижасида кичик Менем вертолёти ҳаводан ерга қулаб тушган ва кучли электр узаткич тармоғига урилган, деб хулоса чиқарилган эди. Қайта ўтказилган текширувда эса вертолётга қарата отилган еттита ўқнинг изи топилди.

«БОББИ КАЛЬМАР»НИ 400 КИШИ ТЕКШИРДИ

Гамбург шаҳар полицияси ходимлари гиёҳвандлик билан савдо қилувчи ва ноқонуний равишда келган муҳожирларни фош этишга қаратилган йирик тадбир ўтказишди. Натижада 50 нафар жиноятчи ҳибсга олинди. Гамбург шаҳри полиция бошқармаси вакилининг маълум қилишича, бир неча йилдан буён турар-жой вазифасини ўтаб келаётган «Бобби кальмар» кемасини текширишга 400 кишидан иборат полиция ва божхона ходимлари жалб этилди. Жиноятчи гуруҳнинг раҳбарлари билан бирга қўллаб наркотик моддалар, уни сотиш эвазига келган нақд пуллар қўлга олинди. Кема ичида ноқонуний яшаб келаётган африкалик ўнлаб фуқаро гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланиши аниқланди.

Ўзбекистон ва жаҳон

ОҲАНРАБОСИ БОРДЕК

Ўзбекистонда рўй бераётган иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ўзгаришларни хорижликлар кузатиб боряпти. Мусулмон олами, айниқса, миллий қадриятларимизнинг тикланишини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқда. Мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар эса бетакрор тарихий обидалар-у шаҳарларимиз тароватини беқиёс ўзгартириб бораётган замонавий меъморчилик санъатимизга тўхталяпти. Араб меҳмонлар билан бўлган қисқа суҳбатимиз уларнинг диёримизга бўлган катта қизиқиши асосида ўтди.

Али Жамолиддин ТОҲИР,
Ливандаги «Оренд Пресс» ахборот агентлигининг директори:

-- Давлатларимиз ўртасида келгусидаги «Ахборот олиш», «узатиш» масалаларига тўхталсангиз. Ливанликлар биз ҳақимизда кўп маълумотларга эгами?

-- Ташрифдан мақсадим ҳам юртингиз билан яқиндан танишиш, ахборот айирбошлаш соҳасида саъй-ҳаракат олиб бориш эди. «Жаҳон» ахборот агентлиги билан ўзаро ахборот айирбошлаш масалаларига катта умид боғлаяпмиз. Ўзбекистон юксак суръатда ўсиб боряпти. Шаҳарлар қиёфаси чиройли. Тарихий обидалар унга салобат, замонавий меъморчилик шукуҳ бахш этиб тургандек. Кеча ва бугун уйғунлашгандек.

Аммо шу қисқа даврда Ўзбекистонда катта ютуқларга эришилганлигининг гувоҳи бўлдим. Республикангиз ҳаёти билан яқиндан танишгач, Ливанда ҳали бу диёр ҳақида кутганимиздан анча кам маълумотга эга эканлигимизга ишонч ҳосил қилдим.

Мусулмон давлатларида ўтказилаётган халқаро анжуманларга янада кўпроқ вакил таклиф этилишини истардим.

Келгусида мамлакатларимиз орасида ахборот айирбошлаш тизимида муҳим ижобий ўзгаришлар бўлади, деб умид қиламан. Зотан, Ўзбекистон бутун дунё эътиборида, ўзбек халқининг самимияти оҳанрабодек ўзига тортади.

ЎТМИШИГА МУНОСИБ

Яна бир ҳамсуҳбатим:

Эҳсон Абдул-ЛАТИФ,
Иорданиядаги Ёрмук университети мударриси.

-- Юртимизнинг маданий мероси ҳақида чуқур илмга эга эканлигинигизни биламиз. Тарихчи олимсиз. Ўзбекистоннинг бугуни ҳақидаги таассуротларингиз?

-- Ўзбекистонда илгарилари ҳам бўлганман. Истиқлолдан сўнг бениҳоя ўзгаришлар кўп. Тошкентнинг ташқи чиройи, қиёфаси тараққий этган мамлакатлар пойтахти даражасига етган. Жаҳондаги энг замонавий меъморчилик намуналари, миллий меъморчилик санъати уфуриб турган қурилиш иншоотларида ажиб бир муштараклик бордек.

Қадимдан Ўзбекистон шарқдаги маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган. Бой ўтмиши, маданий мероси бор. Ҳаётим шу юрт билан чамбарчас боғланиб қолган. Тарихчиман, илмий кузатишларимни аждодларингиз ҳаётини ўрганишга бағишлаганман. Мен руҳан ҳамиша шу диёрда «яшайман». Тарих қатидаги бой ўтмиш маданияти, қадриятлари юрт қиёфасида, халқингиз руҳида уфуриб турибди.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбири Саида ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.



Юксак чўққилар сари. **В. ТИМОШЕНКО олган сурат.**

Турфа олам

МУШУКЛАР МАКОНИ

Ҳинд океанидаги Фражост оролчасида фақат мушуклар истиқомат қилади. 1890 йилда тўфон кўтарилиб, орол яқинида йўловчи кема ҳалокатга учраган. Силласи қуриган денгизчилар зўрға оролга етиб олишади. Лекин бу ерда ҳам жон сақлаб қолишолмайди. Тасодифни қаранги, кемадаги икки мушук тирик қолишди. Кейинчалик улар оролнинг «ҳукмдорига» айланишди. Вақт ўтиши билан улар сони орта борди. Бугунги кунда бу ерда мушуклар сони мингдан ошиб кетди. Мушуклар балиқ, қисқичбақа, денгиз типратикани билан озиқланишар экан.

ИНСОН БЎРИГА ДЎСТ

XVIII - XIX асрларда Германияда бўрилар аёвсиз қириларди. Кейинги пайтларда эса Мерциг шаҳрини ўраб турган ўрмон билан қопланган тепаликларда бир неча бўри тўдалари эркинликда яшамоқда.

Шаҳар четидаги ресторандан сал нарида бўриларга дуч келиш мумкин. Уларни маҳаллий қўриқхона ходимлари шу атрофда яшашга ўргатишган. Мерцигдаги бўри тўдалари Соар шаҳарчасида ва мамлакатнинг ташқарисида ҳам машҳур. Телекомпаниялар бу ерда бир неча марта фильмлар учун суратга олишган. Фройнднинг йиртқич «артист»лари ҳам фильмларда иштирок этган.

Маъсуда ЁҚУБОВА тайёрлади.

Бир хат изидан

ўтказилади.

Вилоят шифохонасини 3-жарроҳлик бўлимидаги даволаш ишларини назорати бош ҳакимга ва жарроҳлик ишлари бўйича муовини, тиббиёт фанлари номзоди Н.Маҳмудовга топширилди.

Ҳ.Х.ХОЖИРАҲМАТОВА,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи».

***

«Шуни ёзма равишда маълум қиламизки, газетага Фарғона вилояти шифохонаси 3-жарроҳлик бўлимининг бир гуруҳ ходимлари ҳамда Фарғона давлат университетининг «Ички касалликлар ва жарроҳлик» кафедрасининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари 6 январь 1998 йилда ариза билан мурожаат этганлиги аниқланди. Бу аризани чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш учун Сизнинг томонингиздан жўнатилган масъул ходимингиз вилоят шифохонасида бир неча кун бўлиб, аризага имзо чеккан ходимлар билан ҳамда аризада номлари келтирилган раҳбар ходимлар билан керакли суҳбатлар ўтказди. Бу ердаги ишлар, аризачиларнинг шикоятлари тўлиқ ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш кўрсатиб ўтилди.

Охирги куни газета вакили бошчилигида тузилган комиссия аъзолари ректор қабулида бўлиб, аризанинг тўлиқ матни ва аниқланган камчиликлар бўйича суҳбат ўтказди. Ариза билан тўлиқ танишганимиздан сўнг, бизнинг университетимиз ходимларидан 4 нафари бу аризага имзо чекканлиги ҳамда аризанинг 2-бандидаги сўзлар бизнинг ходимларимиз томонидан айтилганлигини билганимиздан сўнг, бу масалани чуқур ўрганиш ва уни ҳал этишни «Тиббиёт маркази» директори, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Ю.Нишоновга топширдик.

Аризада кўрсатилган «Ички касалликлар ва жарроҳлик кафедра»ларини қўшилиши тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 288-сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида, университет ўқув бўлимини ҳамда «Тиббиёт маркази»нинг розилиги билан буйруқлаштирилган. Кафедрада профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга дарс бериш талаблар даражасида ўтиб келинган. Талабаларни жарроҳлик фанларини ўзлаштириши йилдан-йилга яхшиланиб келинмоқда. Ходимларнинг илмий ва амалий ишлари бир меъёрда олиб борилмоқда.

Вилоят шифохонасининг бош ҳакими К.Қорабоевни эса юқоридаги иккита кафедраларнинг қўшилишида ҳеч қандай роли бўлмаган. Қўшилган «Ички касалликлар ва жарроҳлик» кафедрасининг иш фаолияти ҳозирги кунда талаблар даражасида давом этмоқда.

Хулоса қилиб айттанда, аризада айтилган танқидий фикрлар янада чуқурроқ ўрганиб чиқилиб, ходимлар ўртасида бундай норозиликларни такрорланмаслиги учун маъмуриятимиз бор имкониятларни ишга соладилар, деб Сизларни ишонтирамиз.

Э.АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона Давлат университети ректори, профессор».

ДОҒ КЎРДИМ

можароси

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА: Кўриб турганингиздек, жавобларда аниқ, тиниқ чора -тадбирлар бўлмагани акс этиб турибди. Бу эса яна шикоятчилар норозилигига сабаб бўлиши турган гап. Текширувимиздан сўнг, шикоятга имзо қўйганлар бирма-бир «Тиббиёт маркази» директори Юсуф Нишонов ҳузурига чақирилиб, тазйиқ ўтказиш бошланганлиги ҳақида таҳририятимизга шикоятчилар томонидан мактуб келди. Демак, раҳбарият «Нега газетага ёзасанлар», деган гап кетидан қувган. Бунинг ўрнига вазиятни беш қўлдай биладиган юқоридаги тегишли идора раҳбарлари чора-тадбирлар қўллаганда норозиликлар бўлмасди.

Ҳеч ким шифохонага ҳавас билан тушмайди. Турган гапки, жарроҳлик бўлимига ҳам шундай. Бемор фақат шифо истаб, шлинж билан боради. Шифокорни вазифаси эса даволаш. Бизнингча тажрибали, билимли, қўли енгил шифокорликнинг ўзи мансаб. Шундай экан, уни эъзозлаш, масъулиятни англаш зарур.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 16

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Диққат, мотор!» Видеофильм. 5-серия.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 «Бу ҳам кино». Сериал.
11.50 «Олтин мих». Мультфильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35 «Шарқ зарчашмаси». Телефильм.
12.50 «Спорт, спорт, спорт».
13.10 «Ўйла, изла, топ». Телебеллашув.
13.45—14.00 Телевидение — сиз учун.
* * *
Телетомошабиплар диққатига! Профилактика муносабати билан 16 март душанба куни ЎзТВ-I кўрсатувлари соат 6.30дан 14.10 гача ЎзТВ-III канали орқали намойиш этилади.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Барака ёмғири». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.40 «Футбол майдонларида».
19.00 «Калдирғоч» А. Парпиев куйлайди.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.25 «Очун».
21.50 «Чорбоғ манзараси». Телефильм премьераси.
22.00 «Алпомиш авлодлари».
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 6-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қўшиқлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мулк ва муносабат.»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўлкамизда кезар баҳор». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс садо».
22.05 «Масжиди калон». Телефильм премьераси.
22.15 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Қашқадарё вилояти.
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 7-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ёвойи ҳайвонот олами».
19.00 «Тарозу».
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 Мусиқий меҳмонхона.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Онагинам».
21.20 «Спорт қитъаси».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Кинонигоҳ. «Ертўла».
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
18.20 «Оҳ, малика». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
* * *
18.20-21.40
*
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар
22.35 «Олтин ўғрилари». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05—00.25 «Ахборот» (рус).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.05 Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.25 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Долзарб репортаж».
20.50 «Телефакт».
21.00 «ТВ-IV»да немис тўлқини.
21.20 «Янги иқтисод».
21.45 Хит-коллекция.
22.10 «Қувноқ кино».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 18

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзлигинг намоён қил!». Телетанлов. Экранда — Қашқадарё вилояти.
9.10 «Ҳамкорлик риштали».
9.30 «Диққат, мотор!». Видеофильм. 7-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 Тасвирий санъат.
10.55 «Ёшлар табассуми».
11.15 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
11.45 «Изҳор».
12.05 «Талаба ва спорт».
12.20 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
12.50 «Умр мазмуни». И. Ғофуров.
13.15 Кундузги сеанс. «Марсия». Телесериал. 2-серия.
14.10—14.40 «Орзули юрт одамлари».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Компьютер сабоқлари».
18.35 «Бугуннинг уйлари».
18.55 «Санъат — дўстликка чорлайди». Мусиқий дастур.
19.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир!»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ёзув столидан репортаж».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Муаллим». Телефильм премьераси.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу.
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 8-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро» (Бухоро) — «Темирйўлчи» (Қўқон).
00.40 Футбол. Учрашувлар, натижалар.
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.10 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.15 «Жозиба».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ғазал соғинчи».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қулгуга нима етсин».
21.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.00 «Даракчи» (рус тилида).
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 «Буюк иқтисодчилар. Коломбо». Сериал.
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
21.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Уддабурон». Бадиий фильм. (Франция).
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.50 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Марҳабо, Наврўзи ажам!».
20.50 «Оҳанглар оғушида».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Азизим».
21.40 «Дурдаршан».
22.15 «Олтин хазина». Эркин Воҳидов. «Олтин девор». Спектакль. 1-қисм.
23.25—23.35 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 19

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Олтин мерос. «Туйғулар жаранги». Мусиқий дастур.
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.30 «Диққат, мотор!». Видеофильм. 8-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Остонаси тиллодан». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.55 «Шарқ табоатби».
11.05 Болалар учун. «Орзу».
11.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
11.40 «Табаррук қадамжолар».
12.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Пахтакор» (Тошкент).
13.35 «Кетмас давлат берсин».
14.10—14.55 Кундузги сеанс. «Марсия». Телесериал. 3-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Ҳидоят сари».
18.55 «Ажаб саодат эрур...».
19.25, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.30 «Санъаткор саодати». М. Саторова.
22.10 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
22.35 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 9-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Аруз гулшани».
00.05—00.10 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.10 Дилнавоз садолар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 Бир жуфт қушиқ.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Одобнома».
21.30 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Оилавий экран. «Аблаҳ». Бадиий фильм.
23.45—23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
18.20 «Леопольднинг сайри». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.30—21.40
*
21.40 «Биз қандай дам оляпмиз?».
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 Дэвид Бредли «Аччиқ ҳақиқат» фильмида.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.30 Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «02» тўлқинида.
20.10 «Ҳамшаҳарлар».
20.30 «7 дан 70 гача».
20.55 «Минг бир маслаҳат».
21.10 «Интерспорт».
21.30 Ракурс.
22.00 «Каталог».
22.10 «Мусиқий Олимп».
22.35 «Киносалон».
00.05 «Дарвоқе». Юмористик кўрсатув.
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот»
*
8.25 «Юртда Наврўз нафаси». Мусиқий дастур.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
9.30 «Диққат, мотор!». Видеофильм. 9-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
10.30 Немис тили.
11.00 «Янги кун». Болалар учун дастур.
12.05 «Меҳр макони».
12.25 «Шохруҳ» клуби.
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.15—14.00 Кундузги сеанс. «Марсия». Телесериал. 4-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
18.30 «Сени танимаган мени ҳам билмас». Публицистик кўрсатув.
18.50 «Ҳиммат».
19.10 «Миллий дастур — миллий истиқбол».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Чемпион билан мулоқот».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Яна баҳор!». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.20 «Учрашув». Теша Муминов.
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 10-серия.
23.30 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Маърифий-дам олиш дастури:
23.55 «Олам».
00.15 «Илоҳий ишқ». Бадиий фильм.
01.35—01.40 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Наврўзи ажам». Сурнай навоси.
18.45 «Акс».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Қўшиқларим сизга». Миразиз Муҳамедов куйлайди.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Эртага Наврўз».
21.15 «Яхши дам олинг».
21.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»
III
18.10 Киноафиша.
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Сен — менинг қўшиғимсан». Мусиқий фильм.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.35 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Таширифинг муборак, Наврўз!».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Кинематограф. «Ойдан тушган малика». 2-серия.
22.40 Араб эстрадаси.
23.10—23.20 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 21

I
6.30 ДАН ЎЗДУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «У ким? Бу нима?»
9.15 Мультфильм.
9.30 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
* * *
9.55 Ўзбекистон Миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар.
11.25 «Келин-куёв». Телешоу.
12.15 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
13.20 «Мутойиба».
13.40 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Ғазал соғинчи».
14.25 «Ёднома». Соҳибқирон Амир Темур.
15.15 «Онагинам».
15.35 «Спорт қитъаси».
16.05 «Шарқ дурдоналари».
16.25 «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
17.45 «Наврўзи олам».
* * *
17.50 Кўрсатувлар дастури.
17.55 «Даракчи».
18.10 «Ўзбекфильм» туҳфаси.
18.30 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.55, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «ТВ ва театр».
20.20 Наврўз оҳанглари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Изҳор».
21.25 «Бизнес-академия». «Ташаббус—97».
21.45 «Гап йўқ».
22.45 «Кунгил кунгилга пайванд».
23.15 «Даракчи».
23.30 «Очун».
23.50 «Темир хотин». Бадиий фильм. 1—2-серияларр.
01.55 — 02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!.
III
18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20—00.30
*
00.30 Эълонлар.
00.35—00.50 «Наврўз келганда». Телефильм.
IV
10.00 «Чинор» видеоканали.
10.40 Эълонлар.
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.05 Шанба эртаги.
12.20 Байрам концерти.
12.40 «Водиллик келин». Бадиий фильм.
14.05—14.30 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили—ҳамма учун).
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.30 Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарҳ» (махсус сони).
20.15 Байрам табриклари.
20.20 Рақслар қанотида.
20.45 «Далил ва шарҳ» (махсус сони).
20.55 «Ягона осмон остида».
21.10 «Болалар сўзлаганда».
21.15 Байрам табриклари.
21.20 «Биргаликда куйлайлик». Финал.
22.35 Европадан табриклар.
23.05 «Наврўз қанотларида».
23.15 «Мусиқий табрик».
23.20 Европадан табриклар.
23.50 Киносалон.
01.25 Хит-коллекция.
01.45 Спорт марказ.
02.25 — 02.35 Хайрли тун!

ЯКШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Келди Наврўзи олам». Болалар учун мусиқий композиция.
11.15 «Ёзувчи ва замон».
11.45 Кундузги сеанс. Бадиий фильм.
12.55 «Қалбим тароналари». Мусиқий дастур.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
13.30 «Ёшлик баҳори».
*
14.50 Бадиий фильм.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Темирйўлчи» (Қўқон). Пахтакор Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.15 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?».
18.35 «Олам қушиққа тўлсин».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Саҳна ҳаёти».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 Спорт. Спорт. Спорт. «Аср муъжизаси» дастури.
22.50 «Кино янгиликлари».
23.05 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.25—00.35 «Бу ҳам кино». Сериал.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Болалар экрани.
9.10 «Катта танаффус». Телеўйин.
9.50 «Дилбарим».
10.05 «ТВ ва театр».
10.25 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
11.45 «Изҳор».
12.10 «Кунгил кунгилга пайванд».
12.40 «Гап йўқ...»
13.40 «Очун».
*
«Якшанбада яхши дам» дастури.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Еднома». Мирзо Улуғбек.
15.10 «Интер-футбол».
15.50 «Сиз ёқтирган қушиқлар».
16.10 «Бари ҳазил».
16.20 Мультипанорама.
16.40 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Буш утирма».
18.35 Турфа олам.
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жараён».
20.15 Тақвим, оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Қалб таронаси».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар уйини».
22.50 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм 1—2-сериялар.
01.00—01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!.
III
18.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.10—00.20
*
00.20 Эълонлар.
00.25—00.50 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Хайрли оқшом».
20.45 «Иштирок этувчилар».
21.05 «Буржлар башорати».
22.00 Киносалон.
23.45 Жаҳон киноси янгиликлари.
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

Ў

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 14 mart, shanba № 32 (22.269).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан

ХАТИРЧИДА ОТ КИШНАР МУДОМ...

Бугун «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари соврини учун республика кўпкари мусобақаси ўтказилади

«Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» каби достонлар халқимиз оғзаки ижодининг маҳсулидир. Бобокалонларимиз қадимий бу асарларда ўз орзу-умидлари, дунёқарашлари, эзгулик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, халқпарварлик ва соф муҳаббат каби инсоний туйғуларни мадҳ этганлар. Қизиғи шундаки, ҳалигача этни жимирлатадиган, руҳиятни жунбушга келтирадиган достон мисраларида йигит қаноти ҳисобланган отга бўлган меҳр-муҳаббатнинг улуғворлиги кишини ҳайратга солади. Аргумоқларнинг тоғу даштларга акс-садо бериб кишнаши-ю, депсиниб пишқириши, яшиндек интилиб, елдек учиши кимни завқлантирмайди, дейсиз. Ўғлонларнинг пойгалашиши ва кўпкарида баҳслашишларини кузатганингда бедов ва саман отлар томирида ўша Алпомиш минган Бойчиборнинг қони югураётган бўлса, не ажаб дейсан киши. Бир сўз билан айтганда, бугун тоғлар макони Хатирчининг «Олтинсой» хўжалигида ўтказиладиган кўпкари ана шундай таассуротларга бой бўлиши кутилмоқда.

Хатирчида бундай фахрли, айни пайтда масъулиятли тадбирни ўтказилаётгани бежиз эмас. Боиси, Хатирчи Навоий вилоятида жисмоний тарбия ва спорт ривожланган ҳудудлардан саналади. Хатирчиликлар туман «хатлаб» вилоят, ҳатто республика, қолаверса, жаҳон мусобақаларида ҳам иштирок этишга муяссар бўлишмоқда. Жисмоний тарбияга эътибор, уни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш самараси ўлароқ йигитқизларимизнинг эришаётган ютуқлари қувонарли, албатта. Бу аввало ёшларнинг баркамол бўлишлари йўлида юртимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос маҳсулидир.

Биз ҳамиша бир нарсага, у ҳам бўлса, ўз маҳоратини ошириб, имкониятларини юзага чиқаришга интилаётган ёшларга шароит яратишга ҳаракат қиламиз. Қўлимиздан келганича, баҳонага ўрин қолдирмай, спортчиларимизнинг турли мусобақаларда иштирок этишлари учун маънавий ва моддий эътибор қилиб келмоқдамиз. Бу борадаги ишларни ҳамиша қўллаб-қувватлаётган туман ҳокими Абдуғани Сафаровнинг ғамхўрлигидан мамнунмиз. Шу йилнинг ўзида вилоят ва туманда от спорти мактаби очилгани эса вилоят ҳокими Ҳаёт Ғаффоровнинг спорт, қолаверса чавандозликнинг ёшлар тарбиясида аҳамияти беқиёс эканлигининг эътироф этишларидан нишона. Қизиғи шундаки, от спорти мактаби ҳузурида «Чавандозлик» тўгараги ҳам фаолият кўрсатмоқда. Йигитларимизнинг қувончлари чексиз. Улар ўз бедовларини улоғу пойгаларга ҳозирлашмоқда. Маълумки, кўпкари халқимизнинг қадимий ва азалий чавандозлик ўйинларидан ҳисобланади. Умуман, чавандозликка эътибор ҳам қадриятларимиз тикланаётганидан.

Туманда нафақат чавандозлик, балки футбол, волейбол, эркин кураш, стол тенниси, дзю-до, шахмат, енгил атлетика каби спорт турларига ҳам эътибор катта. Оила йили муносабати билан бир мисол келтиргим келади. Гап шундаки, хатирчилик Жўрақул Иноятовлар оиласи тобора оғизга тушмоқда. Бу оиладан чиққан спортчилар халқаро баҳсларда ҳам совринли ўринларни эгаллаб, ҳаммамизни қувонтирмоқда. Айниқса, 20-мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси Манзура Иноятова бурноғи йили Исломободда бўлиб ўтган халқаро теннис мусобақасида 3-ўринни эгаллаган эди. Бултур эса Ҳиндистоннинг Понадиз шаҳрида стол тенниси бўйича очиқ турнирда зафар қучди. Жўрақул аканинг ўзи ўқитувчи бўлса-да, қўл тўпи устаси ҳисобланади. Онаси — Зуҳра опа эса жисмоний тарбия ўқитувчиси. Манзуранинг акалари Жаъфаржон стол теннисидан спорт устасидир. Манзура жорий йилни ҳам муваффақиятли бошлади. У Тошкентда кучлилар ўртасида ўтказилган мусобақада ғолиб келди. Ҳозир бу қиз ёзда Москвада бўладиган жаҳон спорт ўйинларига ҳозирлик кўрмоқда.

Хуллас, туманимизда спорт ишлари чакки эмас. 15 минг физкультурачидан 5 минг нафари разрядли ҳисобланади. Улар орасида тош кўтарувчи, спорт усталигига номзод Беккул Сафаров, Нормамат Ўринов, дзю-до бўйича спорт усталигига номзод Адиба Йўлдошева, футболчилар Обид Абдуллаев, Темур Шукуров, Зиёдилла Шарипов, волейболчилардан Худойберди Юсупов, Отабек Сувонов, шахматчилар Икром Ҳайдаров, Алиқул Рустамов, чавандоз Шариф Жумаевлар бор. Гапни мухтасар қиладиган бўлсам, спорт билан шуғулланиш, ҳар бир ёшни танилишга, эътибор топишига қолаверса, Ватан нуфузини оширишга ҳисса қўшиши билан алоҳида аҳамиятлидир. Ўйлайманки, туманимизда катта улоқ бўйича нуфузли газеталар соврини учун мусобақанинг ташкил этилиши ҳам ёшларимизни жисмоний баркамол бўлишларига хизмат қилади. Кўпкари эса, иймоним комилки, нафақат спорт мусобақаси, балки чавандозлик сайлига айланса, ажабмас.

Суннат ЎРИНОВ,
Хатирчи тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

ЭЗГУЛИКНИНГ ЯШИЛ ОСМОНИ

Азал-азалдан инсониятнинг асрий тараққиётига раҳна солиб келаётган ҳамду сано деган бир иллат бор. Чиндан ҳам беҳуда ҳамду сано-ю ноўрин мақтов ҳар қанақа истеъдодни ҳам ўлдиради. Лекин яхши инсоннинг яхшилигини айтиш, кези келганда унинг эзгу ишларини таъкидлаб ўтиш, ҳамду сано ҳисобланмаса керак. Мен бугун гўзал инсон, иқтидорли қаламкаш Алп Жамол (Жамолиддин Асомиддинов) ижодига айни шу нуқтаи назардан ёндошмоқчи эдим.Тақдир тақозоси билан 1974 йили Моҳира Жумаева ва мен Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» таҳририятига ўқув амалиёти, практика ўтказиш учун бордик. Ўшанда чеҳрасидан нур ёғилиб турган Алп Жамол билан яқинроқ танишдик. У кунлар энди хотирага айланди. Алп Жамолнинг, шундай кулиб турган кишининг ҳам армонли эканига дастлаб ҳайрон бўлдик. «Кимсан ўз ҳажвия ва телеминиатюралари орқали ҳаммага маълум ва машҳур Алп Жамолнинг китобини чиқаришмаса» деб ҳайрон қолганман. Шунда ҳам ярим табассум билан «Насиб бўлса бир кун бориб чиқарамиз» дердиларда, кўрсатув тайёрлашга ёки янги асарларининг устида ишлашга берилиб кетардилар. Мана яқинда Алп Жамол пьесаларидан тузилган иккинчи том нашр этилибди. Асарни ўқиб жуда енгил тортдим. Орзулари кеч бўлсада рўёбга чиққанидан қувондим. Шу баҳона биринчи томни ҳам топиб ўқидим. Қисқа интермедия ва миниатюра асарларида олам- олам маъно бор. Уни мактаб ўқувчисидан катталаргача тушунарли—равон, халқчил тилда ёзганлар. Кўпгина мактаб муаллимлари эса, айнан, шундай асарларни қидириб юришади. Шу сабаб баҳоли қудрат иккинчи томга кирган асарлар ҳақида ўз фикримни билдиришни ният қилдим. Аҳли қалам орасида шундайлар борки, улар фақат даврнинггина маддоҳлари бўлиб, замон ва давр ҳамиша уларга мавзу бўлиб хизмат қилган. Лекин яна шундай фидоий қаламкашлар ҳам борки, вазият ва давр уларга эмас, аксинча улар давр ва замонга мавзу бериб, дунёдан ҳокисорларча ўтиб кетишади. Уларни на бу замоннинг ўткинчи шон - шуҳратию унвонлари, на ҳавоий амалу мол-дунёлари қизиқтиради. Бундай камтарин фидоий ижодкорларнинг асл мақсади юртнинг кўксидаги дардларини ўзлариники билиб, рўй-ростни ҳар қандай шароитда ҳам фақат ҳақиқатни ёзишдир. Жамолиддин ака ҳам айни шундай қисматнинг ижодкори эдилар. Шунинг учун ҳам ҳаётлик чоғларида ҳеч бир яхши асарлари дунё юзини кўрмай таҳририятларнинг кераксиз қоғозлар

Инсон хотираси азиз

сақланадиган тортмаларида мунгайиб ётарди. У киши барибир ёзардилар, ёзганда ҳам аёвсиз ўртаниб, ўксиниб керак бўлганда қийналиб, минг бир таъқибларга учрасаларда очиқ - ойдин ёзардилар. Ҳаётда борини ёзардилар. Шу ёзганлари билан, кимларнинг назарига тушиш, кимларнингдир эътиборини жалб қилиб, шу йўл билан қандайдир унвону мартабаларга илиниб қолиш учун эмас, аксинча шу Ватаннинг, халқнинг юрагидаги дардларини енгиллатиш учун ёзардилар. Шу боис ҳам халқ дилидан ўрин олган ҳажвия ва миниатюралари китоб ҳолида чиқмади. Унинг бу орзуси вафотидан сўнг амалга ошди.

Тўғри, адибнинг иқтидори унинг нечта китоб эълон қилганида эмас, айни чоғда унинг нечоғли жасоратли эканлигига боғлиқлиги бугун кўпчиликка маълум. Қолаверса, ижод бу руҳиятнинг, кўнгилнинг ҳурлигидир. Кўнгилга ҳеч қачон буйруқ бериб бўлмайди. Қарангки, китоби чиқмаган «Алп Жамол» номи, китоби чиққан баъзи бир ёзувчилардан машҳурроқ эди. Жамолиддин ака бировни дилини оғритмай, эзгулик улашиб, руҳияти ҳур, кўнгли осмон, ориятн кучли инсон эдилар. Шунинг учун ҳам ҳеч кимга бош эгмай, бу дунёдан эзгулик яшил осмонидай баланд бўлиб ўтдилар. У кишини билган ҳамма яхши одамлар, табассум билан эслашади. Ўз шахсий манфаатлари учун бировларга бош эгиш, у кишининг табиатларига мутлақо ёт нарса эди. Айнан мана шу ётлик ўша баланд осмоннинг яшил излари эди. Бугун бизга ўша эзгу осмоннинг мангу юлдузлари, яъни Жамолиддин аканинг асарлари ўлмас мерос бўлиб қолди.

Биз юқорида Алп Жамолни ростгўй адиб дедик. Инсоннинг дилидаги оғриқларини ҳаққоний қаламга олади, дедик. Устоз Навоий ижодининг билимдони, тарғиботчиси бўлгани учун «миллатчи» деган тамға Жамолиддин акага босилиб, ишдан бўшатилиб, ишсиз юрганига сабаб ҳам ўша ростгўйлиги сабаб эмасми. Алп Жамолнинг «Ғизғизон» деб аталган пьесанинг қаҳрамони Ғозивой ҳам ана шунақа кўнгли ҳасаднинг уяси бўлган ичиқора, фосиқ одамдир. У шу қадар қитмирки, ҳатто акасининг устидан ёзишгача бориб етади. Асар халқона ва самимий ёзилганлиги, тилидаги равонлиги ва соддалиги билан сизни ўзига жалб қилади. Ва яна Алп Жамолнинг танлаган пьесаларини иштиёқ билан варақлашда давом этасиз. Шунда яна сизни феъл атворию яшаш тарзи билан бир- биридан ер билан осмонча фарқ қиладиган тамомила бошқа - бошқа қаҳрамонлар дунёси қарши олади. Ўқиганимиз сайин асар юрагимизга янада чуқурроқ кириб боради. Энди сиз оддий бир китобхон эмас, балки бевосита воқеалар ривожининг иштирокчисига айланасиз. «Дўзахга ҳар бир дўзахий, уч йўл билан кириб боради, бу йўлларнинг биринчиси ҳасад, иккинчиси бузуқлик, учинчиси ёлғон йўл аталиб, ҳаммасининг охири жаҳаннам алангасининг қаърида туташади», дейилади пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларида. Чиндан ҳам барча тубанликларнинг боши бу инсоннинг ахлоқий бузуқлигидир. Бу йўлнинг охири ҳамиша хорлик ва аламли азоб билан тугайди.

Алп Жамолнинг ўзи ҳам, ижоди ҳам эзгуликнинг яшил осмони қадар баланд ва мағрур эди. Илло, абадий шундай бўлиб қолади.

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Қимтиса ўтади осмонда қушдан,
Белига ярашган карк кубба пуштан,
Ҳеч камлик бўлмаса йўрғи юришдан,
Асл тулпор экан ўзбакнинг оти.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР, ЭШИТГАНЛАР ҚОЛМАНГЛАР!

Бедов миниб, от-абзалинг шайласанг,
Пойга қилиб кўп шумликни ўйласанг,
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,
Ўн беш кун илгари берман ҳайдасанг,
Барибир ўзади ўзбакнинг оти!!!

АРМОНДА ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ, КЎПКАРИГА ШОШИЛИНГ!

Шу йилнинг 14 март куни эрта тонгдан Навоий вилояти Хатирчи тумани «Олтинсой» жамоа хўжалигида «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишланган

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА», «ОСИЁ БОЗОРИ»

газеталари соврини учун республика кўпкари мусобақаси ўтказилади. Мусобақада мамлакатимизнинг Алпомишсифат чавандозлари беллашадилар. Бойчибормонанд тулпорлар кўпкарига киради.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

ҚЎШМА КОРХОНА
А-3, А-4 ҳажмдаги қоғозни
СОТАДИ
Этикеткалар тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.
Телефон: 144-11-60, 144-25-26.

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Нуриддинхон & К» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 58-92-84 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи
«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган
КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

ҲУРМАТЛИ ДАВЛАТ ВА ШАХСИЙ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИ!

«Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси, унинг Тошкент вилояти нефть маҳсулотлари корхонаси, «Ўзнефтгазназорат» бошқармаси билан биргаликда ўз тасарруфидаги ва барча хусусийлаштирилган ёнилғи тарқатиш шаҳобчалари ишини тубдан яхшилаш, замонавий талаблар даражасига кўтариш мақсадида, Сиз хизматларидан фойдаланаётган шаҳобчаларда сотилаётган автобензиннинг миқдорини рақамли кўрсаткич орқали назорат қилинг, миқдоридан кам берилса ва унинг сифати бўйича эътирозингиз бўлса қуйидаги ташкилотларга телефон орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

1. Чинобод нефть базаси
телефон: 133-89-71, 133-71-38.
2. «Тошвилоятнефтмаҳсулот» корхонаси
телефон: 24-75-92, 24-72-00.
3. «Ўздавнефтмаҳсулот» ХБ
телефон: 136-37-13, 133-37-45.
4. «Ўзнефтгазназорат» бошқармаси
телефон: 68-22-42, 68-04-50.



ЁНИЛҒИ ТАРҚАТИШ ШАҲОБЧАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАНГИЗ УЧУН АВВАЛДАН МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАМИЗ.

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 2-11-49;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 36136 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 01046

Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА